

Фурқат шеърлятида хаёлий ва хаётий аёл тимсоли

Н. Холматова --- ҚДПИ ўқитувчиси

Мумтоз шеърлятнинг хос хусусиятларидан бири аёл шахси, унинг шаклу шамойилини мадҳ этиш, феъл-атворидаги турфа товланишларни кўрсатиш ва шу орқали шеърй асарнинг етакчи қахрамони ошиқнинг хис-туйғу ва кечинмаларини тасвирлашдан иборат. Шу сабабдан бўлса керак, мумтоз шеърлятнинг катта улушини, Навоий таъбири билан айтганда, мисни олтинга айлантирувчи ноёб кимё хисобланмиш ишқ туйғуларига бағишланган шеърлар тамсил қилади. Аслида ҳам “ғазал” истилоҳининг аташ маъноси ҳам, аслида, “ошиқона сўз”, “аёл кишига хушомад қилмоқ, яхши сўз айтмоқ” маъноларини англатишининг мажозий ва илоҳий ишқ мавзусида бўлишидан далолат қилади.

Алишер Навоий шоирларни уч гуруҳга ажратар экан, биринчи гуруҳга илоҳий ишқни тараннум этувчиларни, иккинчи гуруҳга эса мажозий ишқни куйловчиларни, учинчи гуруҳга бўлса, мажозни ҳақиқатга пеша қилувчи шоирларни киритади.¹ Шундан аниқ намоён бўладики, ишқни турли йўллар билан тараннум этувчи шоирлар шеърлярининг марказида АЁЛ тимсоли туради. Бу аёл гоҳ заминдан оёғи узилган ҳолда самовий кўринишда, хаёлот самраси ўлароқ намоён бўлса, гоҳ айнаи хаётий, худди орамизда юрган сиймо сифатида кўринади. Фурқат шеърляри, хусусан, ғазалларида ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Зеро, Фурқатнинг ўзи “Саргузаштнома”сида қайд этганидек, кунларнинг бирида туш кўриб, бир қанча аллома шоирларга (Ҳофиз, Жомий, Навоий в.б.) шеърлярдан имтиҳон топширади ва Навоийнинг ўзидан “шеър машқига рухсат олади.” 9-10 ёшларида Хўжа Ҳофиз, Мирзо Абдулқодир Бедил, Алишер Навоий асарларини қунт билан ўрганади ва ўзи ҳам гўзал шеърлар бита бошлаган ва ўзбек адабиёти тарихида энг ёш шоир бўлиб 21 ёшида девон тузишга муваффақ бўлган.

Шуни айтиш лозимки, Фурқат ғазалиётида ботиний талқин унсурларига қараганда, зохирий, тўғриси, хаётий талқин усуллари устунлик қилади. Бу ҳолат шоирнинг хаёлий аёл тимсолига урғу бериш баробарида айнаи хаётий аёл тимсолини яратишга туртки берган, дейиш мумкин. Биргина Фузулийга тазмин шаклида битилган “Сурмадин кўзлар қаро...” ғазалини кўздан кечириш бунинг яққол далили бўла олади. Бунинг шоир анъанавий ғазалчиликнинг метиндек мустаҳкам деворини бузиб реал хаётга яқинлаштиришга уринганлиги билан изоҳлаш мумкин. Тўғри, унинг шу тоифага мансуб бўлган ғазалларида анъанавий талқин йўлларига тортиб кетиш ҳоллари ҳам сезилади. Бироқ бундан айб қидирмаслик лозимки, Фурқат анъанавий ва янги шеърлят оҳанглари ва мазмунини бир-бирига ошукта қилишга эриша олган. Тилга олинган ғазалнинг бир қатор тимсолларида дунёвий ашёлар ўз маъно моҳиятини сақлаган ҳолда

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. XV. Жилд. “Маҳбуб ул - қулб”, 134-бет

мафҳумни тасвир этишга хизмат² қилаётгани кузатилади. Сурма тартган гўзалнинг кўз қаролиги янада ёрқинроқ гавдаланса, қўллариға хинодан лоларанг (қизил) тус олиши айни ҳақиқат. Ўсмадан қошлари таранг бўлган маъшуқа ғоза (пардоз-андоз, юзга суртилган упу-элик) туфайли юзлари янада таранглашади ва бир-қарашда ҳар қандай кимсани ақлини ўғирлайдиган ҳолга келади. Кейинги байтда заъфароний (сарик, рангли) камзул кийган, рўмолини пешонасига ситиб боғлаган ҳаётий аёл ҳақида сўз боради. Унда ҳақиқий ўзбек аёли-келинчакнинг ёрқин қиёфаси гадаланади.

Заъфароний кўйлак узра арғувоний камзилул,
Рўймол оғушидин пешонани аҳволи танг.

Ғазалнинг 3-4 байтларида ҳам шарқ аёлларига хос менталитни ўзида акс эттирган тасвир сифатида эътиборга лойиқ. Унда кўлига билагузук, нозик бармоқларига олтин узуклар таққан келинчикнинг ташқи қиёфаси номоён бўлади. Лекин 4-байтнинг иккинчи мисрасида анъанавий тасвир усули - муболағавий талқин тортиб кетади: “Кўринур зулфи тўнида субҳи содиқдек аранг”.³ Мисрадаги муболаға (зулфи туни) ҳамда тазод (“зулфи туни” ва субҳи содиқ”) кўпроқ анаъанавий шеърятга хос.

² Фурқат. Танланган асарлар. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 47-бет

³ Шу тўплам. 47-бет